# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 8 IYUL, SESHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№86 (6.611). Sotuvda erkin narxda


## Россия Федерацияси Президенти В.В.Путиннинг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифини кўчириш тўғрисида

2003 йил 6 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин телефон орқали сўзлашди.

Москва шаҳрининг Тушино туманидаги фожиали воқеалар ва бунинг оқибатида қурбонлар бўлгани муносабати билан томонлар Россия Федерацияси Президенти В.В.Путиннинг Ўзбекистон Республикасига амалий ташрифини бошқа муддатга кўчириш лозим, деган қарорга келди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Польша Республикасига расмий ташрифи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Польша Республикаси Президенти Александр Квасьневскийнинг таклифига биноан 2003 йилнинг 10-12 июл кунлари расмий ташриф билан Польшада бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама муносабатлар аҳволи ва истиқболлари, томонлар учун манфаатли бўлган халқаро муаммоларнинг муҳокама қилиниши, шунингдек, қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

# МОҲ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

***Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, бундан қарийб бир ярим йил муқаддам Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» деган мутлақо янгича шаклдаги демократик тузилма ташкил этилганди.***

Иқтисодиётга оид масалалар билангина чекланиб қолган илгариги иқтисодий ҳамжамиятдан фарқли ўлароқ, ушбу ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга аъзо тўрт мамлакат эндиликда нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш учун пайдо бўлган янги имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОҲ) ташкилотини тузиш юзасидан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари 2001 йилнинг декабрида Тошкент учрашувида эришган келишув 2002 йил февраль ойида Алмати саммитида расмий таъсис ҳужжати имзоланиши билан ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббус соҳиби Ислом Каримов ўшанда янги ташкилотга раис этиб сайланди. Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган даврда МОҲга аъзо мамлакатлар президентлари 2002 йил 6-7 июль кунлари Оқтовда (Қозоғистон), 5-6 октябрда Душанбеда (Тожикистон), 27 декабрда Остонада (Қозоғистон) учрашди.

Бу галги Алмати саммити мазкур ташкилот доирасидаги бешинчи олий даражадаги учрашув бўлди. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида, шунингдек, кенгайтирилган таркибдаги йиғилишда, аввало, «Марказий Осиё ҳамкорлиги»нинг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб этилди.

Анжуманда ташкилотга Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган ана шу даврда мамлакатларимизнинг муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида салмоқли одимлар қўйилгани таъкидланди. Давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларидан ташқари, Тошкент шаҳрида минтақа миқёсидаги ишбилармон доираларнинг бизнес-форуми, ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари йиғилиши ташкил этилди. Энг муҳими, ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун ушбу минтақавий тузилма доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг амалий жиҳатлари ва тўлиқ ижросига алоҳида урғу берилди.

Музокаралар чоғида минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Президентлар халқаро масалалар, уларнинг минтақа мамлакатларига таъсири, хусусан, тинч ҳаётга қадам қўя бошлаган Афғонистондаги ўзгаришларнинг ижобий жиҳатлари, ушбу мамлакатга кўмаклашишда саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳақида ўзаро фикр алмашди.

Ташкилот доирасидаги учрашувлардан бирида Ислом Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледастурлар намойиш қилиш таклифини илгари сурганди. Саммит якунлари бўйича уюштирилган матбуот анжуманида Президентимиз бу борадаги ҳозирги вазият ҳақида гапираркан, жумладан бундай деди:

- Мамлакатларимиз халқларини теварак-атрофимизда ва биринчи галда, минтақамизда юз бераётган воқеалардан, янгиликлардан хабардор қилиш ҳақида кўп гапиряпмиз. Аммо бу фикрни ҳаётга татбиқ этишга ҳозирча муваффақ бўлолмаяпмиз. Ваҳоланки, ахборот, фақат холис ахборотгина бир-биримизни тўғри ва чуқур англашимиз учун имконият яратади.

Шу боис мазкур анжуманда ҳам бу борада амалий қадам қўйилди. Эндиликда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат телевидениеси ҳафтасига икки соатдан тегишли мамлакатлар телевидениеси кўрсатувларини намойиш этиб боради.

Ислом Каримовнинг таъкидлашича, ушбу қарор ахборот алмашиш борасида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг дастлабки босқичидир. Келгусида бу жабҳадаги ҳамкорлик мамлакатларимизда ўзаро мухбирлик пунктларини очиш ва бу соҳада мавжуд натижаларни изчил ривожлантириб боришдан бошлаб, минтақа мамлакатларининг биргаликда ер йўлдошидан унумли фойдаланишигача бўлган кенг кўламли ва узоқ муддатли саъй-ҳаракатларни қамраб олади.

Бу - мамлакатларимиз ҳаётини чуқурроқ билишга, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга, минтақа давлатлари раҳбарлари аҳдлашувларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кишиларимиз теранроқ англашига, давлатларимиз ўртасида бундан-да очиқроқ мулоқотлар пайдо бўлишига олиб келади. Ўзаро ишончни мустаҳкамлайдиган бундай ҳаракат, шубҳасиз, минтақавий ҳамкорликни кенг ривожлантиришда энг асосий омиллардан биридир.

Учрашув якунлари бўйича бир нечта қўшма ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, Терроризм, экстремизм ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни кучайтириш тўғрисидаги қарор шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатлар лойиҳалари Президентлар томонидан чуқур муҳокама этилди ва муҳим амалий тавсиялар билан бойитилди. Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов қўшма баёнотни муҳокама этиш мобайнида ташкилот доирасида минтақа сув-энергетика захираларидан фойдаланиш бўйича консорциум тузиш, манфаатдор давлатлар ўртасида коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда минтақа мамлакатларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Учрашувда мамлакатларимиз интеграциялашуви жараёнини фаоллаштиришда ва минтақа аҳолиси ҳаёт даражасини яхшилашда ғоят муҳим аҳамият касб этувчи ана шу фикрларни амалга ошириш учун яқин истиқболда қилинажак ишлар кўлами белгилаб олинди. Хусусан, биринчи галда халқаро молия ташкилотларига мурожаат этиш ва бу борада тегишли концепция ишлаб чиқишга келишилди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига кейинги муддатга Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раис этиб сайланди.

Ташкилотнинг навбатдаги саммитини Душанбе шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Шу билан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви ниҳоясига етди.

Юртбошимиз «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига таъриф берар экан, бундай ном берилаётганида шу тузилма доирасида минтақа миқёсида ҳар томонла, кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутилганига эътиборни қаратди.

Бир сўз билан айтганда, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Алмати саммити, ва умуман, тузилманинг қарийб бир ярим йиллик фаолияти якунлари шундан далолат берадики, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти зиммасидаги вазифаларни дадил адо этмоқда.

Ушбу ташкилот неча минг йиллар давомида дўст ва иноқ, ҳамкор ва ҳамжиҳат яшаб келаётган, ўзининг азалий ва замонавий қадриятлари билан башарият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган халқларимиз ўз тараққиёти йўлида аввало ўзлигини англаши, ўз кучи ва интилишларига таяниши, қолаверса, бошқалар билан, хусусан қўшнилар билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантириши учун кўмаклашиш борасида салмоқли ҳисса қўшмоқда.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент-Алмати-Тошкент.

***

**СУРАТДА: саммитдан лавҳа.**
А.ТЎРАЕВ (ЎзА)олган сурат.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ШУ ЙИЛ 5-6 ИЮЛЬ КУНЛАРИ АЛМАТИ ШАҲРИДА БЎЛДИ.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг* **ҚАРОРИ**

## Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Уй-жой қурилишини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва республика корхоналарининг ёғоч-тахта материалларига ва ёғочга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:**

1. 2003 йил 10 июлдан бошлаб:

юридик шахслар томонидан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари ва ёғочга нол фоиз миқдорида импорт божхона божи ставкаси;

экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар учун тижорат фаолиятига мўлжалланган ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч олиб келишда ягона божхона тўловининг нол ставкаси белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси республикага ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч олиб келишнинг белгиланган тартибига юридик ва жисмоний шахслар томонидан қатъий риоя қилинишини, божхона расмийлаштирувининг ва божхона тўловлари ундиришнинг тўғри амалга оширилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

икки ҳафта муддатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 июль

ФАХР

# ФАРҒОНАНИНГ КАТТА КАРВОНИ

***Фарғоналик ғаллакорлар ўз сўзларини айтишди: давлатга дон сотиш режаси зиёдаси билан уддаланди.***

Машҳур руҳшунос Дейл Корнегининг "Инсоннинг ўзига, ўз кучига ва салоҳиятига ишонтир-да, ундан мўъжизалар кутавер!" деган фикрлари ҳаётий эканлиги бугун вилоят ғаллакорлари фаолиятида яққол ўз ифодасини топди. Чунки фарғоналиклар қалбига фахр ва ғурур туйғуларини ҳадя этган бу меҳнат ютуғи замирида деҳқоннинг ўз кучига бўлган ишончи ётибди.

Мулоҳаза қилинг: вилоятдаги 105000 гектар бошоқли дон майдонларининг 69208 гектари 11205 нафар ижарачига ўзаро манфаатли шартнома асосида бўлиб берилган. Қолгани фермерлар ихтиёрида. Мулкдорлик, манфаатдорлик деҳқондаги имкониятнинг бор бўй-басти билан намоён бўлишига имкон берди. Оқибатда ғалла экинларига ўз томорқасига қарагандай муносабатда бўлган деҳқонлар чин маънода мўъжиза яратишди. Ҳали ўрим-йиғим ишлари якунланмай туриб вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 47 центнердан ошди. Олтиариқ, Бувайда, Тошлоқ тумани ғаллакорлари ҳосилдорлик бўйича бошқаларга ибрат бўлишди. Бу туман ғаллакорлари ҳар бир гектар ер ҳисобига 48 центнердан дон йиғиб олишди.

Ёзёвонлик Раҳимахон Ражапова раҳбарлигидаги "Ойдиной" фермер хўжалиги ишчилари Фарғона заминининг саховати чексиз эканлигини амалда кўрсатишди. 20 гектар ғаллазордан режадаги 96 ўрнига 210 тонна дон етиштиришди. Ҳосилдорлик ҳар бир гектар ҳисобига 105 дан! Фермер ихтиёрида нақд 130 тонна дон қолди! Шу тумандаги "Соҳибкор" фермер хўжалигида 72 центнердан ҳосил етиштирилди. Фермерлар сардори Абдумалик Саидовнинг қувончи чексиз, ахир унинг ихтиёрида 100 тонна дон қоляпти.

Бугун ўз экин майдонларидан 85-90 центнердан ҳосил олган бешариқлик Йигитали Темиров, қувалик Тойиржон Қурбонов, Мирзали Мирзаолимов каби ижарачилар ҳовлиси донга тўлди. Уларнинг ҳар бири шартнома режасидан ортиқ бўлган 20-30 тонна донга эга бўлишди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда вилоят экин майдонларидан 480 минг тоннага яқин дон йиғиб олинади. Шундан 200 минг тоннага яқини ширкат хўжаликлари, ижарачилар, фермерлар ихтиёрида қолади.

**Мўйдинжон СОБИТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҲОРМА, БУХОРО, ТОЛМА, БУХОРО!

***Бухорода кунлар иссиқ. Жуда иссиқ. Ғаллазор эса нақд "тандир"нинг ўзи. Аммо деҳқон иссиқни ўйламайди, ўзини панага олмайди. Ажаб, у шу туриши билан новвойни эслатади. Иккаласининг ҳам зуваласи қайноқ меҳнатда пишган, оловда тобланган...***

Бухоронинг тунлари салқин. Майин эсган шамоли бирам ёқимли. Бошоқлар шу елда чайқала-чайқала ерга бош эгди. Деҳқоннинг эса кўзларига уйқу келмайди. Эл ризқини нобуд қилмай йиғиштириб олай, дейди. Ажаб, деҳқон новвойга ўхшайди. Иккаласи ҳам тонгни қизарган, уйқуга тўймаган кўзлар билан қарши олади.

-Ўз донинг, ўз нонинг бўлганига нима етсин, - дейди Вобкент туманидаги Роҳкент қишлоғи оқсоқоли Раҳмон Икромов. – Беминнат нон – роҳати жон. Ширкату фермер хўжаликларини қўя туринг, томорқаларда ҳам буғдой зап бўлди-да. Сизга бир гапни айтай: уйида дони борнинг оиласи ўзига тинч...

Ғиждувон туманидаги "Зарафшон" ширкат хўжалиги пудратчиси Аслиддин Омонов ҳам хотиржам. 4 гектар ердан ўртача 69 центнердан дон олган ғаллакор сиртдан қараганда, шундай кўринади, деган ўйга борманг. Шартнома режасидан ортиқча 5400 килограмм буғдойга эга бўлган Аслиддин ака чиндан ҳам қушдек енгил тортиб юрибди. Унга ўхшаган юзи ёруғ деҳқонлар Когон, Пешку, Вобкент, Олот, Қоровулбозорда оз эмас.

Дарвоқе, деҳқондан сўз очдик. Новвойнинг кўнгли ҳам кам бўлмасин. Ғиждувон бозорида патиру кулча, ширмой нoннинг нархи анча тушгани чин. Буёғи қандоқ бўлдийкин, дея Низом новвойга юзланган эдик, у: "Минг карра шукр, - деди. – Элдан олиб элга бераяпмиз. Инсоф бор жойдан барака аримайди".

Сирасини айтсак, бу гаплар Бухоро вилояти ғаллакорларининг давлатга 142 минг тонна дон сотиб йиллик шартнома режасини ошириб адо этишгани баҳона қоғозга тушди. Бу мужда кўнгилга ғурур, кўзларга нур ато этди. Энди деҳқоннинг ризқи бутун. Омборларга сиғмаган донни ўйлаб кўнгли яйрайди. Энди новвойнинг-да димоғи чоғ. Тонг саҳарлаб тандирига ўтин қалайди.

Ҳорма, Бухоро, толма, Бухоро!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ХУШХАБАР

# АНДИЖОННИНГ САРА ДОНИ

***Улуғнорда Шаҳзодахон Мавлонова деган фермер опамиз бор. Иш бошлаганига ҳам 14 йил бўлди, чоғи. Айтган гапини уддасидан чиқади. 21 гектар майдонда "Крошка" навли буғдой етиштирди. Тайёрловчилар билан тузилган шартномада 50 тонна дон сотиш режалаштирилган эди. Ўрим арафасида билдики, бошоқ бўлиқ, дони йирик. Олинадиган ҳосил чамаланса, кўзлангандан анча зиёда.***

Шаҳзодахон Мавлонова тайёрловчилар ҳузурига борди.

-Шартномани янгиласак.

-Нега?

-Ҳисоб-китобим бўйича доним мўлроқ. 50 тонна ўрнига 100 тонна ҳосил чиқади.

Тайёрловчилар бу таклифни бирдан қабул қилишмади. Шунда опа тўғри тегишли идораларга учрашди. Охир оқибат шартнома ўзгарди. Режа 77 тонна қилиб белгиланди.

Уч-тўрт йил аввал айрим фермерлар режани бажаришни пайсалга солишарди. Энди эса манзара тамомила ўзгача. Ғалла мавсуми давомида Шаҳзодахон Мавлоновага ўхшаш яна бир қанча фермерларга дуч келдик. Бўз туманидаги "Илми Толиб" фермер хўжалиги соҳиби Маҳаммаджон Омоновни ҳам шундай ҳолатда учратдик. Салом-аликдан сўнг фермернинг юрагига қўл солдик.

-5 гектар ерда буғдой етиштирдим. Шартнома бўйича 17,9 тонна дон сотишим керак эди. Ҳосилдорлик мўлжалимдан ортиб кетди. 77,1 центнердан дон янчиб олдим. Югурдим-елдим. Тайёрловчиларга 39,5 тонна дон сотдим. Бу билан режани 220 фоизга бажардим.

Фермерларнинг кўпроқ дон сотишга интилишининг боиси бор. 4-5 йил аввал давлат харид нархи билан бозор баҳоси ўртасида анчагина фарқ бор эди.

(Давоми 3-бетда)

ТАРАҚҚИЁТ

# "СИФАТ" ТОЛАНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

***Мустақиллик деҳқоннинг қаддини кўтарди. Пахтакорнинг кўкрагига шамол тегди. Энди у ўз маҳсулотини қаерда, қандай сотишни ўзи ҳал қилмоқда.***

Бу билан муаммолар батамом тугади, пахтакор бой бўлиб кетди, демоқчи эмасмиз. Соҳада чин маънодаги ислоҳотлар бошланганини, дастлабки ютуқларга эришилаётганини айтмоқчимиз, холос.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Сифат" – Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ.

(Давоми 2-бетда)

КОНТРАБАНДА

# ҚЎҚОНДАГИ "ДОРИ БОЗОРИ"

***Ҳеч эсимдан чиқмайди, уч йил бурун ён қўшним Алиқул исмли йигит дарвозамни тақиллатиб, тонг саҳарда қарз сўраб келганди. Омонат ҳам анойи эмас, нақд 50 минг сўм!***

Манзилга адашиб келибсиз, дегандек аввалига талмовсираб турдим, кўрдики – мендан нажот йўқ, юзини чап бурди, йиғламоқдан бери бўлди. Лўттибозлик қилаяпти, деб ўйладим. Биламан ҳеч қаерда ишламайди, иқтисоди ночор. Адашмасам 4 та гўдаклари бор. Қийин. Қадимда ҳовлисида моли, қайтаришга арзигулик нарсаси бор одамга қарз берилган. Алиқулнинг на моли, на ҳоли бор. Ўзимни боши қотган одам ҳолатига солиб туравердим. Бироз ўтгач, у кўча томон кета бошлади. "Алиқул, нима заруратинг га пул керак, тинчликми ахир", деб юборганимни билмай қолибман. Ҳамсоям бир сония бошини эгганча жойида қотиб турди, сўнгра мен томонга "ялт" этиб қаради. Иккала кўзидан оққан ёш масала жиддий эканлигидан далолат бергандай, мени ҳушёр, яна ҳам аниқроғи – жиддий торттирди.

-Онам касалхонада ётибди, - деди у зўрға. Сўнгра икки-уч марта ютиниб, давом этди. – Бозордан талайгина дори-дармон олгандим, соғайиш ўрнига... (йиғлаб юборди). Соғайиш ўрнига янаям оғирлашиб қолдилар... Ҳозир соат 10.00 гача ё дориларни ёки 50 минг сўм пулни олиб боришим керак... Онам ахир!..

(Давоми 2-бетда)

"ҒАЛЛАБАНК" - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

ЭЙ, УМРИ АЗИЗ

# САДОҚАТ МАЪБУДАСИ

***Саида Зуннунова билан учрашмаганман. Кўп бора шоиранинг шеърлари ҳақида ёзишга уриниб кўрдим. Натижа чиқмади.***

Энди саволимга жавоб топгандайман. Умри дард ичида ўтган ижодкор, дардсизларни яқинига йўлатмас экан. Устоз адиб Саид Аҳмаднинг "Йўқотганларим ва топганларим" китобидаги Саида Зуннунова ҳақидаги хотираларини ўқигач, шундай хулосага келдим.

Саида Зуннунова қандай пок яралган бўлса, Аллоҳ ҳузурига ҳам шундай софдиллигича хотиржам кетган. Унинг ички ҳамда ташқи ҳақиқати бир хил бўлган. Қийинчиликларга дуч келиш сабаби ҳам шундан. Шоира дунё ёлғонлари билан ҳеч вақт келиша олмаган.

(Давоми 4-бетда)

МОЗИЙ

# ҒАРОЙИБ ОЙНОМА

***Хўқанди латиф шоир-у ҳофизлар юрти. Бу шаҳарда ҳар икки одамдан бири шеър ёзади. Ижод қилади. Ёзмаган тақдирда ҳам кўпчилигининг ота-бобоси ўтмишда шоир ўтган бўлади. Лутфи-карами, жон олувчи суҳбати, шўх-хандон аскияси билан сизни сел қилади, сеҳрлаб қўяди.***

Яҳёхон Дадабой ўғлининг шеърга, шоирликка алоқаси бўлмаса ҳам мозийга, мозийшуносликка дахли бор. Қўқон педагогика институтининг тарих -география бўлимини тамомлаган, ўттиз йилдан бери Қўқон ўлкашунослик музейида илмий тадқиқот олиб боради. Камтар, камсуқум, хокисор одам.

Шу киши яқинда гапдан-гап чиқиб, йил фасллари – "ой номларининг ўзбекча атамасини ахтариб топиб, шулар устида ишлаб турибмиз", деб қолдилар. Табиийки, қизиқиб қолдик. "Наҳотки? Биз-ку биз, ота-боболаримизнинг январ, феврал, март, деб тили чиққан бўлса-ю, бу атамаларнинг ўзимизга хос, ўзбекона номлари бўлса?" дея ўйладик.

-Бор, - деди Яҳёхон, - бўлганда ҳам ўз тарихи, илдизига эга. Ўзбекча ой номларига тўхталишдан олдин, қимматли вақтларингизни олиб қўймасам, жиндеккина "бисмиллоси" бор эди-да...

-Эшитайлик, - дедик биз.

-Биласизлар ўтмишда халқимизнинг бир қисми деҳқончилик, бир қисми эса чорвачилик билан шуғулланган. Деҳқонларниям, чорвадорларниям ўзларича йил ҳисоблари бўлган. Деҳқонлар ҳисоби бўйича йил 22 мартдан бошланган бўлса, чорвадорлар ҳисобида 16 мартдан бошланган. Қадим аждодларимиз йилни ҳозиргидек тўрт фасл эмас, икки фаслга ажратишган: қиш ва ёз. Қиш деган номнинг келиб чиқиши физикавий қонунларга жуда яқин.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ЎҚИШ ЭСДАН ЧИҚМАСИН

КЎНГИЛ ОВЛАНГАН КУН

ШАЙТОНДАН ЕНГИЛГАН ВАЛИЙ

# ДОЛЗАРБ МАСАЛА МУҲОКАМАСИ

***Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида 1 июль куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича комиссия ташкил этиш тўғрисидаги фармойишининг бажарилиши муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда алоқадор вазирлик, қўмита, компания, уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Т.Худойбергенов, С.Раҳимов, Бош вазир ўринбосари Р.Азимов иштирок этган йиғилишда таъкидланганидек, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида, жумладан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни изчил амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида соҳада бошқарувнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган қонунчилик ва ҳуқуқий асосини яратиш, давлат мулкини хусусийлаштириш, қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларнинг мутлақо янги шаклларини жорий қилиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Бироқ мазкур соҳа ҳамон иқтисодиётимизнинг нисбатан секин ўзгараётган жабҳаларидан бири бўлиб қолмоқда. Жойлардаги кўпчилик раҳбар ходимларнинг билим даражаси ва савияси замон талабларига жавоб бермайди. Уларнинг аксарияти соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл моҳиятини ҳалигача тўла тушуниб етмаган. Бундан ташқари, тармоқда ўтмишдан мерос қолган маъмурий-буйруқбозлик, расмиятчилик, боқимандалик, талон-тарожликка йўл қўйиш, тадбиркорлик ва фермерлар ҳаракатига ноқонуний аралашиш каби салбий ҳолатларнинг ҳамон сақланиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Йиғилишда Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу асосда қабул қилинган ҳукумат қарори соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларга барҳам бериш, ислоҳотларни янада изчиллаштириш, бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлгани алоҳида таъкидланди.

Ҳукумат қарорида белгиланганидек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан ўзгартирилади. Бунинг натижасида тармоқлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ягона агротехника сиёсати юргизиш, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувввватлаш замонавий кўриниш олади.

Шунингдек, аграр тармоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижара муносабатлари, оила пудратини, фермер хўжаликларини кенг ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш, уруғчилик, наслчилик ишлари, ветеринария, ўсимликлар карантини соҳасида давлат сиёсатини олиб бориш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Вазирликда пахтачиликни, ғаллачиликни, чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш, сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ва комплекс қайта ишлаш кенгаши ташкил этилиб, уларнинг ҳар бири шу соҳа муаммолари билан атрофлича шуғулланади. Мазкур кенгашлар аъзолари деҳқончиликда пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа экинларни парваришлашда бой тажриба тўплаган, малакали агроном, чорвадор, механизатор каби соҳа мутахассисларидан таркиб топади.

Йиғилишда бундай янгиланишлар қуйи бошқарув бўғинларининг ишига тепадан туриб ўринсиз аралашувларга тамоман чек қўйишга қаратилгани таъкидланди. Шунингдек, унда соҳада юзага келган энг оғир муаммолардан бири - кадрларни танлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Энг ачинарлиси, қишлоқ хўжалигининг аксарият тармоқларида мутахассисликка эга бўлмаган кўплаб кадрлар ишламоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётир. Эндиликда бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш зарур.

Йиғилишда мазкур ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида жойларда амалга оширилаётган ишлар батафсил муҳокама қилиниб, қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларга зарур топшириқлар берилди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги Фармойиши билан қишлоқ хўжалигининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича ташкил этилган Комиссиянинг ва Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплексининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда мазкур Фармойиш ижроси, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Агросаноат комплексида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов олиб борди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжаликлари ва транспорт мажмуининг жорий йил олти ойи якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарган мазкур мажлисда соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, капитал қурилиш ва қурилиш материаллари саноатида бошқарув тизимини тузилмавий жиҳатдан қайта ташкил этишни такомиллаштиришга доир ишлар изчил давом эттирилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган ҳукумат қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Зарур бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни яратиш ишлари жадаллаштирилмоқда.

Ҳисобот даврида соҳада ўтказилаётган тузилмавий туб ўзгаришларни таъминлаш учун 765 миллиард сўмдан кўпроқ капитал қўйилма инвестиция қилинди, ўсиш сурати эса 102 фоизни ташкил этди. Пудратчи ташкилотлар томонидан 360 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Эътиборли жиҳати шундаки, шунинг қарийб 40 фоизи хусусий, кичик ва ўрта корхоналар томонидан бажарилди. Хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 1,4 баравар, шу жумладан, тўғридан-тўғри жалб этилгани 2,5 баравар кўпайди.

Биринчи ярим йилликда умумий қиймати 149,3 миллиард сўмлик 375 объект танлов савдосига қўйилди. Натижада 10 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ иқтисод қилинди. Савдоларда икки мингга яқин даъвогар иштирок этган бўлса, шунинг 40 фоиздан кўпроғи хусусий ташкилотлар бўлиб, улар умумий савдонинг ярмидан кўпроғида ютиб чиқди.

Пудрат ишлари бозорида йирик хусусий фирмалар фаолият кўрсата бошлади. Улар қаторига Наманган вилоятидаги «Сардор», Самарқанд вилоятидаги «Темп», Андижон вилоятидаги «Йўлсоз» каби ташкилотларни киритиш мумкин.

Мажлисда соҳадаги муаммо ва нуқсонларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, уларни бартараф этиш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

**(ЎзА)**

# САХИЙЛАР КАМ БЎЛМАЙДИ

**САВОБ**

***Мустақиллик офтоби қадимий Ғозғон қўрғонида ҳам бор бўй-бастини кўрсатди. Президентимиз меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги туфайли бу гўшага табиий газ келди. Ўн саккиз километрга тортилган қувур хонадонларга илиқлик, меҳр-оқибат олиб кирди.***

Юртбошимизнинг бу саховатли ишлари тадбиркору фермерлар кўнглига ўт ёқди. Мана уч йилдирки, улар ўзларининг она қишлоқларини қаричма-қарич ҳашар йўли билан обод этмоқдалар.

Донгдор қўйчивон, "Шуҳрат" медали соҳиби Ғаффор Обидов ўз жамғармаси ҳисобидан бир ярим миллион сўм ажратиб, Шоҳимардон тарихий обидасига шарқона услубда кўркам дарвоза қурдирди. Халқнинг беғараз мадади туфайли тўрт юз минг сўм маблағ ажратилиб, обида атрофи таъмирдан чиқарилди.

-Шаҳарчамизда етти мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, - дейди Ғозғон қўрғони фуқаролар йиғини раиси Эмин Абдуллаев -Тадбиркорларимиз маблағ ажратиб, ибратомуз ишларни амалга оширмоқдалар. 1934 йилда қурилган уч юз ўринли маданият саройи, ўн уч минг китоб фондига эга кутубхонани таъмирлаш мақсадида ўн беш миллион сўмлик маблағ ҳомийлик асосида ажратилди. Таъмирнинг сўнгги ишлари бажариляпти.

Бу хайрли ишга "Ғозғон" ширкат хўжалиги раиси Ҳусен Боқулов, "Рўшана" фермер хўжалиги раиси Суннат Ҳусейнов, "Рангтош" масъулияти чекланган жамияти раиси Сафар Раҳимбоев, "Ғозғон мармар" корхонаси раиси Шавкат Раҳматов, тадбиркор Сафар Абдуллаевлар бош-қош бўлишмоқда.

Қўрғон марказидаги чашма узоқ йиллардан бери харобa ҳолда ётганди. Сафар Раҳимбоев уни ободонлаштириш учун 5,5 миллион сўмлик иш бажарди. Шунингдек, Суннат Ҳусейнов Навои гузарини газлаштириш ишига ва қабристон атрофини ободонлаштиришга 4,5 миллион сўм маблағ ажратди.

-Сахий одамлар бор бўлсин, - деди меҳнат фахрийси Сайфулла Шодмонов, - мен 35 йил ёшларга билим бердим. Халқимизнинг саховатли одамийлиги олқишга сазовор. Тадбиркор Ғаффор Шомуродов А.Ҳайитов номли 6-ўрта мактабнинг ёғингарчиликдан яроқсиз ҳолга келиб қолган биносини қайта таъмирлашга ёрдам берди. Яна бир тадбиркор Зариф Қўйсинов қабристонни обод қилди. Қўрғон марказида обод чойхона ишлаб турибди. Янги бозор қад ростлади. Унда 20 та раста бор. Ҳар ҳафта Ғиждувон, Қизилтепа, Нурота, Бухоро, Ромитандан тадбиркорлар келиб, аҳолига хизмат кўрсатаётганликлари қувончлидир.

Мустақилликнинг мучал йилида қўрғондаги шифохона янгича кўриниш касб этди. Бунга албатта халқнинг кўмаги, мадади, ҳомийлиги туфайли эришилди. Бу хусусда шифохона бош ҳакими Ҳамроевни суҳбатга тортдик.

-Икки мингинчи йилда етакчи сифатида иш бошладим. Шифохонага таъмир сув ва ҳаводек зарур эди. Дастлаб беш юз метр узунликда, баландлиги 1,5 метрли тош девор тикланди. Бунга қўрғондаги тадбиркор ва фермерлар, серғайрат кишилар мададга келди.

2001 йилда шифохонани газлаштириш мақсадида лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Орадан бир йил ўтгач, монтаж ишлари бажарилди.

Навоийлик Эркин Ҳамроев ва Абдусалом Омоновлар олтита катта қалин гиламни ҳомий сифатида топширдилар.

Болалар ва катталар амбулаториялари, туғруқхона мажмуаси, тез ёрдам бўлими таъмирланди. Шифохонанинг кўркам беш гектарлик мевазору гулзорини суғоришда электромонтёр Сайфи Турсуновнинг хизмати катта бўляпти. У 80 метр ер остидан сув чиқараётган насосга ҳар қадамда кўз-қулоқдир.

Шифохонани таъмирлашда Одил Асомов бошлиқ қўли гул қурувчиларнинг хизмати катта бўлди. Шифо масканининг янги либосда ярқираши учун ҳомийлар йигирма миллион сўмдан зиёд маблағ ажратдилар. Йигирма тўрт ўринли маскан қўли гул ҳакимлар ва ҳамширалар билимдонлиги туфайли беморларга намунали хизмат кўрсатаётгани қувончли ҳолдир.

Муҳтарам Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак", деган пурмаъно сўзлари олам узра чарх ургандек бўлади.

Истиқлол имкониятлари юртни обод этмоқда. Бу ўз навбатида одамлар бошини кўкка етказади. Шу ўринда саховатпеша юртдошларимизга қарата баралла: "Кам бўлманг, азизлар", дегимиз келади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# "СИФАТ" ТОЛАНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

**(Боши 1-бетда)**

Ана шу қисқа вақт ичида марказ Англиядаги Ливерпул пахта сотиш биржасининг ишончини қозонди. Эндиликда "Биринчи – олий", "Иккинчи – яхши", "Учинчи – ўрта", "Тўртинчи – оддий" каби ўзбекча баҳолашлар, дунёдаги пахта савдоси билан шуғулланадиган давлатлар тилларига халқаро терминлар сифатида таржимасиз қабул қилинди...

Шу пайтга қадар дунёда пахта маҳсулотларини сертификатлаш ваколати уч мамлакатгагина берилган эди. Эндиликда мазкур ваколатга эга АҚШ, Англия, Польша давлатлари қаторига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Республикамизнинг пахта хом ашёси ишлаб чиқариш бўйича дунёда бешинчи, тола сотиш бўйича эса иккинчи ўринга чиқиб олганлиги ҳам бежизга эмас.

Самарқанд вилоятида 2002 йилда 250 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилган эди. Ҳосилдан 80 минг тонна тола олиш кутилмоқда. Бугунгача 60 минг тонна тола тайёрланиб, реализация қилинди. Харидорларнинг асосий қисмини хорижликлар ташкил этмоқда.

-Вилоятдаги мавжуд 9 та пахта заводининг ҳар бирида уч нафардан ходимларимиз бор. Улар тайёрланаётган ҳар кунлик тола тойларидан намуна олишади. Лаборатория таҳлилларидан сўнг, ҳар бир тойнинг оғирлиги, толанинг ранги, узунлиги, вазни, хуллас, барча микронейр кўрсаткичлари аниқланади. Шундан сўнг ҳар бир той тола ҳақидаги батафсил маълумотлар халқаро электрон почтага киритилади. Тайёр маҳсулотимиз тўғрисидаги ахборот ўша заҳотиёқ дунё пахта биржасида маълум бўлади, - дейди ҳудудий лаборатория иш бошқарувчиси Абдужаббор Ўринов. – Эндиликда фақат толани эмас, момиқни ҳам сертификатлаш ҳуқуқига эга бўлдик.

"Сифат" маркази фаолият бошлагач, турли иллатлар очилиб қолди. Заҳматкаш деҳқоннинг бири икки бўлмаётганлигининг асл илдизлари аён бўлди.

Жорий йилда ҳам ана шундай ҳолатлар кузатилди. Жомбой, Янгиқўрғон пахта заводларида биринчи – олий навга қабул қилинган пахтанинг анчагина миқдори, ҳатто, бешинчи – ифлос навда сертификатлангани аниқланди. Олий навли толанинг 1 тоннаси жаҳон бозорида ўртача 1200 АҚШ долларида, қуйи навдагисининг эса 450 АҚШ долларига баҳоланишини ҳисобга олсак, қатор пахта заводларининг қарздорлик ботқоғига ботиб қолаётгани, деҳқоннинг косаси оқармаётганининг сабаблари аён бўлади.

Қабул қилиш ва сотишдаги сифатлар ўртасида туғилаётган тафовутларнинг сабабини Жомбой пахта заводининг сифат назорати бўлими бошлиғи Тўйчи Йўлдошевдан сўраганимизда, у пахта ғарамларини сақлашда қатор камчиликлар бўлганлигини айтди. «Ёпқичлар пишиқ бўлмаганлиги боис, тезда йиртилиб, қор-ёмғир ўтиб кетди, маҳсулот сифати бузилди» деди. Бу гаплар эҳтимол тўғридир. Балки қабул пайтидаги ҳуфёна ишларни хаспўшлаш учун "актлаштириш операцияси"ни ўтказишга эҳтиёж каттадир. Ҳар ҳолда бу сирли кўринади, кишига.

-Экишга тавсия этилаётган уруғлик ҳам "Сифат" маркази томонидан албатта сертификатланиши зарур, - дейди ҳудудий лаборатория раҳбари Шуҳрат Қудратов. – Шундагина мажруҳ чигитнинг далага чиқиши жиловланади. Пахтани қабул қилишда "Сифат" маркази вакилларининг иштирокини таъминлаш керак. Бундан ташқари сертификатланиб сотувга ҳозирланган тола тойларини марказлашган базалар орқали хорижга жўнатилиши лозим. Бу толанинг арзимас сабаблар билан сифати бузилишининг олдини олади.

Шуҳрат Қудратовнинг бу таклифларини катта тажриба эгаси, пахтачилик саноати мутахассиси, раис ўринбосари Келдиёр ака Розиқов ҳам маъқулларкан, арзимас бир томчи ёнилғи ёки афтол, ҳатто чапланган лойқа сув ҳам толанинг сифатини, баҳосини пастга уришини айтди. Саранжом-сариштали сақлашни эса барча қулайлик ва имкониятларга эга бўлган махсус базадагина амалга ошириш мумкин.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

# БОҚИМАНДАЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

**ФИКР**

***Халқимизнинг бағрикенглик, меҳмондўстлик, андиша, орият каби ажойиб хислатлари бор. Булар билан фахрлансак арзийди. Аммо баъзи иллатлар ҳам мавжудки, улар кўп ҳолларда ёшларга айнан катталар томонидан юқиб қолмоқда.***

Яқинда Фарғона шаҳрининг Қиргули туманидаги машҳур Пеликан бозорига йўлим тушганди. Катта йўл ёқасидаги бозорнинг сўл томонида кўп қаватли уйлар жойлашган. Ана шу бинолар ён-атрофи ифлос, чиқиндилар тўпланиб қолган, бунинг устига ўт-ўлан босиб кетибди. Асфальт йўлни ҳам ажриқ ёриб чиқиб, хунук манзарага олиб келибди. Шу уйларда яшовчи фуқаролар билан гаплашсам "ҳокимиятга арз қилдик, фалончига хат ёздик. ЖЭКка мурожаат қилдик. Бирортаси келиб тозалаб кетгани йўқ", қабилидаги гапларни айтишди. Афсусланарлиси, бу "дийдиёлар"ни уларнинг фарзандлари ҳам эшитиб турарди.

Натижада уларда ҳам боқимандалик кайфияти шаклланиши аниқ. "Демак, уйимни кимдир келиб тозалаб бериши керак экан", деган тушунча катталардан кичикларга юқади.

Бундан кўра ўша уйларда яшовчилар ўзаро маслаҳатлашиб, фарзандларини ҳам ёнларига олиб, ҳашар ўтказсалар, уйлари атрофини ўзлари тозалаб, гуллар экиб қўйсалар олам гулистон. Ана шунда фарзандлар улардан ҳам ибрат олиб, ўз уйи теварагини озода тутиши зарурлигини ҳозирданоқ ҳис қиладиган бўлишарди.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ**



**Ёзнинг жазирама иссиғида ким ҳам музқаймоқни хуш кўрмайди дейсиз. Айниқса, ёш болаларнинг хурсандчилигини айтмайсизми. Ширин, хуштаъм, бай-бай...**

**Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасида ҳам бугунги кунда ана шундай сут маҳсулотлари қайта ишланиб, ўз истеъмолчиларига тайёр маҳсулот ҳолида етказилиб берилмоқда.**

**СУРАТДА: корхона фаолиятидан бир лавҳа.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

# ШАЙТОН ЙЎЛДАН ОЗДИРДИ

***"Ўғлон" фермер хўжалигидан 314 килограмм қорамол гўшти олган Ражаббой Ҳамидовни шайтон йўлдан урди. Пешку туманидаги 1-сонли болалар боғчаси хўжалик ишлари мудири вазифасида ишлаб келган Ражаббой гўштнинг бир қисмини ички юк хати билан бошқа масканларга топширди-ю, қолган 100 килограммини бозорга чиқариб пуллаб юборди.***

Орадан қарийб бир йилча вақт ўтди. Ражаббойнинг наздида, қор ёғиб, излар кўмилган эди. Аммо шу йилнинг март ойида Бухоро вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ходимлари боғчада текшириш ўтказишди-ю, хўжалик ишлари мудирининг пайтавасига қурт тушди.

Маълум бўлишича, боғчада тўққиз турдаги 224 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларидан камомад бор. Ражаббой бош қашлай-қашлай камомад ўрнини тўлдирди. Аммо жазосиз ҳам қолмади. Суд ҳукми билан унга бир йил муддатга ахлоқ тузатиш иши тайинланди. Яна у ишлаб топган маошининг ўн фоизини давлат фойдасига ўтказиб борадиган бўлди.

Ражаббой-ку болалар ҳақига кўз олайтирган эди. Пешку туман халқ таълими бўлимида хазиначи вазифасида ишловчи Алишер Саидов эса ҳеч тап тортмай муаллимлар маошини ўмарди. У бўлим мудири билан бош ҳисобчи имзо қўйган, аммо очиқ ҳолда турган чек орқали банкдан бир миллион 200 минг сўм нақд пулни олди. Чекнинг банкка қоладиган қисмига шунча миқдорда пул олинганини қайд этди. Иккинчи қисмига эса "400 минг сўм" деган ёзувни киритди.

Аслида Пешку туман халқ таълими бўлими билан банк орасидаги масофа узоқ эмас. Аммо кўз очиб юмгунча ўтадиган шу қисқа йўл оралиғида 800 минг сўм пул "ғойиб" бўлди-қолди. Аниқроғи, Алишер Саидов уни ими-жимида ўзлаштириб юборди. Чамаси, хазиначини қишлоқ муаллимларининг ўз маошларини вақтида олишмаётгани кўп ҳам қизиқтирмас эди.

Қилмиши фош этилган хазиначи табиийки, етказилган зарарни тўлиқ қоплади. Тегишли жазо ҳам олди. Ражаббой ҳам, Алишер ҳам шайтон измига бўйсунди. Оқибатда эса...

Шайтон ўз номи билан шайтон. Унинг сўзига кирмоқнинг охири ана шундай вой бўлиши шубҳасиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҚЎҚОНДАГИ "ДОРИ БОЗОРИ"

**(Боши 1-бетда)**

Ана энди ростакамига бошим қотди. Ёрдам бериш керак. Аммо... қандай қилиб?.. Хотинимда бор-йўғи 11 минг сўм пул бор экан. Минг сўмини қолдириб, 10 минг сўмни жанжал билан "қўлга" киритиб, Алиқул билан яна 3-4 та танишнинг уйига бордик. Хуллас, 35 минг сўмни "йиғдик".

-Фақат аптекадан оламиз, ака, дўхтир шундай деган, - деди Алиқул шошиб.

Шаҳардаги икки-учта аптекани айлангунча кун туш бўлди. Қани энди нархи тўғри келса? Зўрға ярмига етяпти...

Таваккал қилиб, бозорга йўл олдик. 50-60 яшар кампирлар ҳар-ҳар жойда аллақандай ҳадик билан дори-дармон сотиб ўтиришибди. "Гемодез борми?", деб сўрадик биридан. Корзинкасини титкилаб, 200 граммлик сариқ "бутилка"ни чиқарди.

-...Олсаларинг шу нарх, олмасаларинг катта кўча! – деди онахон савдолашганимизни ёқтирмай.

Кампир дарҳақиқат ҳақиқий дорихоналардаги гемодезнинг ярим нархини айтиб турарди. Фойдаланиш муддати жойида, кўриниши ҳам чакки эмас. Ярим нарх!

-Онажон, бунга кафолат борми? Қаердан олгансиз? Касални ўладиган қилиб қўймайлик яна, - дедим соддалик билан.

Кампирнинг жаҳли чиқиб кетди...

Мен бу ожиз бандага... оёғи гўрнинг лабига бориб қолган инсонга... маслаҳат (!) берган бўлдим, унамади. У бизни эшитишни истамади.

Яна ўйлайман, Алиқулнинг онаси тенги шу кампирнинг ўзи эртага (худо сақласин... аммо бу истисно эмас) шифохонага тушиб қолса-ю, махсус совутгичларда келтириладиган, атайлаб белгиланган ҳаво шароитида сақланадиган сабил қолгур гемодезни дорихонаданмас, бозордан олиб, ишлатиб юборишса, чидармикин!?. Қолаверса, ёши бир жойга бориб қолган бу инсонга бизнинг маслаҳат беришимиз тўғримикин?!

Англаганимиз шу бўлдики, бозорларда дори-дармон сотиб ўтирадиган бундай одамларни фақат "тижорат", фақат ПУЛ қизиқтирар экан. Биз эса... насиҳат қилиб юрибмиз-а...

-Белгиланган солиқ режаларини бажараяпмиз, ҳукуматимиз қарорларини амалиётга татбиқ этиш учун барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз, - дейди Қўқон шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи Т.Шарипов. – Бироқ, бозорларимизда тиббиёт дори-дармонлари билан савдо қилувчилар "фаолияти"га барҳам беролмаяпмиз... Қанчалик оғир чораларни қўлламайлик, одамлар бу ишни канда қилишмаяпти... Сабаби мавжуд 49 та дорихонамизда нарх-наво жуда қиммат.

Инспекция бошлиғи 2003 йилнинг май ойида тўпланган бир даста махсус хабарномаларни олдимизга ташлайди.

Махсус буйруққа асосан олиб борилган рейд жараёнида 12 дан 13 майга ўтар кечаси қўқонлик Азимжон Хўжақулов ўзининг шахсий "Москвич" русумли автомашинасида 15 турдаги 269 минг 250 сўмлик тиббий дори-дармонларни бозорда сотиш учун олиб кетаётгани ҳужжатлаштирилган. Дорилар далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

20 май куни ярим тунда Қўқон шаҳрида яшовчи Аброр Қўзиев ўзига тегишли енгил автомашинасини лиқ тўлдириб, 9 турдаги жами 236 минг сўмлик дори-дармонларни бозорда сотиш учун...

-Мамлакатимиздаги шаҳарлардан фарқли ўлароқ, дори-дармончи "тижорат"чилар Қўқон шаҳрининг Алишер Навоий мавзесида ноқонуний "тиббий дорилар бозори"ни ташкил қилиб олишган, - дейди инспекция бошлиғи Т.Шарипов диққатимни бўлиб. – Улар дориларни асосан хориждан, Қозоғистон, Қирғизистон, кўпроқ Россия Федерациясидан олиб келишади. Эътибор беринг-а, бутун республикамиз ҳудудини босиб ўтадиган дори тўла автомашиналар Фарғонага, Қўқон "бозор"ига бемалол етиб келишаяпти. Бу ердан асосан кўтара сотилиб, сўнгра бошқа ҳудудларга тарқалади... Ҳукуматнинг 483, 404 ва 154-қарорлари юзасидан миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳатто тунлари ҳам рейдлар ўтказиб, имкон қадар бундай "фаолият"нинг, қонунбузарликнинг олдини олишга ҳаракат қилаяпмиз.

Қўқон шаҳар Оқтош кўчаси, 1-уйда яшовчи фуқаро Шариф Исломов 29 май куни тонг азон соат 5.30 ларда 23 турдаги умумий қиймати 750 минг сўмлик тиббий дориларни бозорда сотиш учун олиб кетаётганда...

-Қизиқ, бу "ишбилармон"ларнинг ҳаммаси қўқонлик шекилли? – сўрайман бошлиқдан.

-Топдингиз, афсуски шундай... Дарвоқе, махсус дорихоналар ҳам назоратимиздан четда қолаётгани йўқ. 404-сонли қарор юзасидан "Тико", "Виола", "Сумбула" сингари хусусий аптекаларда сотув жараёнида назорат касса аппарати ишлатилмаганлиги, қолаверса, жами 546 минг сўмдан зиёд нақд пул банк муассасаларига топширилмагани учун шу 3 та дорихонага нисбатан 1 миллион 360,5 минг сўм миқдорида жарима қўлладик.

-"Тижоратчи учарлар" "мол"идан маҳрум бўлишяпти. Уларга бошқа қонуний чоралар ҳам қўлланилаяптими?

-Албатта. Шу йилнинг ўзида ноқонуний тарзда дори-дармон сотуви билан шуғулланган 18 нафар фуқародан жами 5 миллион 68 минг сўмлик тиббиёт ашёларини мусодара қилиш учун тўпланган ҳужжатлар фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судига юборилди. Уларга шунингдек қарийб 490 минг сўм маъмурий жарималар қўлланилди. Шунга қарамасдан, қонунга зид "савдо" тўхтаган эмас.

...29 май. Саҳар. Соат миллари 5.30 ни кўрсатиб турибди. "Қора бозор" томон шошилаётган аёлнинг тўрвасидан 26 турдаги жами 197 минг 680 сўмлик яроқсиз дорилар чиқди. Аёл 3 нафар фарзанднинг онаси Анорхон Абдуллаева экан. Тавба... у одамларни даволаш эмас, дардини оғирлаштириш эвазига норасидаларини боқаётганини наҳотки билмаса?! Наҳотки виждони қийналмаса?!

Қўқон шаҳар солиқ инспекциясидан қайтар эканман, қўшним Алиқул сингари бозордан арзон-гаровга дори олиб, сўнгра "оҳ" чекиб юрган бечоралар кўз олдимда гавдалангандек бўлаверди. 100 сўмга қимтиниб, дардни оғирлаштириб, кейин фарзандлари ризқини қийиб, минглаб сўмларни сарфлаш сўқирликнинг ўзгинаси эмасми?..

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН: ушбу мақолада энг катта бойлик – одамлар саломатлиги билан боғлиқ ғоят долзарб масала қаламга олинган. Муштарийларимиз унга ўз муносабатларини билдириб, таклиф-мулоҳазаларини баён этадилар, деган фикрдамиз.**

# АНДИЖОННИНГ САРА ДОНИ

(Боши 1-бетда)

Шу боис фермер ўзида кўпроқ дон олиб қолиб, бозорни мўлжалга оларди. Бугун эса ҳолат бошқача. Бозорда ғалла кўп. Давлатга сотиш манфаатли. Ҳа, Президентимиз мана шундай кунлар келишини сиз билан бизга кўп бор айтганлигини биламиз. Ҳосил қанча кўп бўлса, у юрт бойлиги.

Андижон томонларда ғалла ўрими ўтган йилларга нисбатан бироз кечроқ бошланди. Ўрим-йиғим шиддат билан кечаю кундуз олиб борилмоқда. Мавжуд "Кейс" парки янада бойиди. Аниқроғи бундай серунум комбайнлар сони 157 тага етди. Вилоят ғаллазорлари 74125 гектарлиги эътиборга олинса, ҳар бир "Кейс" учун кунлик иш унуми аён бўлади. Ғаллакорлар "Кейс"чилардан миннатдор бўлишяпти. Кунни-кунга, тонгни-тонгга улаб ишлаш осонми? Қолаверса, ҳароратнинг баландлиги ҳам бор. Ана шундай шароитда олди комбайнчилар 450-500 гектар майдондаги донни янчиб олишди. Бу қадар шиддатли меҳнатнинг манфаатдорлиги ҳам бор. Вилоятнинг биринчи рақамли комбайнчиси якунда "Тико"ли бўлади. Ўтган йили шундай мукофот изобосканлик Баҳодир Абдуллаевга насиб этган эди.

Ижарачилар ҳам фермерлар билан баҳсга чиқишди, назаримизда. Ўзига ажратилган майдондаги ғаллани қойилмақом қилиб парваришлаган ижарачилар ҳосилдорликни 85-96 центнергача етказишганлигига гувоҳ бўлдик. Режани уддалаб қўйиб, хонадонига 15-20 тоннадан дон тўкаётган ижарачиларга нафақат бирга ишлаётганлар, балки ҳамқишлоқлар, қўшниларнинг ҳам ҳаваси келмоқда.

Ана шундай ижарачилардан бири Пахтаобод туманидаги "Андижон" ширкат хўжалиги аъзоси Маҳмуджон Қодиров. У 17 гектар ерда деҳқончилик қилди. Шартнома бўйича 90 тонна дон ишлаб чиқариши керак эди. Амалда етиштирилган дон 154 тонна. Ҳосилдорликнинг 90,6 центнерга етиши эвазига ижарачига мукофот тарзида 28 тонна дон тегди.

Ишловчилар манфаатдорлигини ошириш ҳамиша кун тартибида. Ана шундай талабдан келиб чиқиб ишловчиларга энг кўп дон берган хўжаликлар ўртасида беллашув бор. Ўтган йилги якунда Марҳамат туманидаги У.Қорабоев номли, Олтинкўл туманидаги "Машъал", Избоскан туманидаги А.Тиллабоев номли ширкат хўжаликлари вилоят ҳокимлиги томонидан енгил автомобиллар билан мукофотланишганди. Жорий йилда бу мусобақага қўшилганлар сони янада ортаяпти. Олтинкўл туманидаги "Ҳақиқат" ширкат хўжалигида ишловчиларга ғалла тарқатиш ниҳоясига етди. Ҳар бир ишловчига 2125 килограммдан дон тегди. Бу хўжаликда мавжуд ғалла майдонининг 45 фоизида ўрим ўтказилганда режа бажарилган эди. Ана шундай кўрсаткич билан режани бажарган хўжаликлар жуда кўп. Демакки, деҳқон хонадонига янада кўпроқ дон кириб боради.

Бу йил мамлакатимизда ғалла мустақиллиги сари ҳаракат бошланганлигига ўн йил тўлади. Бу давр мобайнида Андижонда ғалла уруғчилиги мактаби юзага келдики, бу ишга Президентимиз раҳнамолик қиляптилар. Ана шу эътибор туфайли Андижонда ғалланинг ўнлаб навлари кўпайтирилди ва мамлакатимиз эҳтиёжига йўналтирилди. Айни вақтда маҳаллий навлар устида ишлар узлуксиз олиб бориляпти. "Чиллаки" ана шу изланиш меваси бўлиб, бугунги кунда мамлакатимиз ғаллакорларига маъқул келиб қолди.

Андижонда 245900 тонна дон тайёрланиб, жорий йил шартнома режаси бажарилган экан, шундан 120000 тоннаси уруғлик бўлиб, асосан "Чиллаки", "Крошка", "Половчанка", "Старшина" навларини ташкил этади. Яна бир қатор янги навлар борки, улар ҳадемай деҳқонларимизга манзур бўлади.

Ҳосилдорлик борасида сўз очадиган бўлсак Балиқчи, Шаҳрихон, Марҳамат, Пахтаобод туманлари олдинда бўлиб, ҳосилдорлик 80 центнер устида. Шиғил қум шароитида деҳқончилик қилаётган Улуғнор туманида бу борадаги кўрсаткич 60 центнердан баланд. Билингки, мамлакатимиз деҳқонлари бу мавсумда ҳам андижонликлардан серҳосил дон берадиган уруғ оладилар.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**





Қибрай туманидаги "Маданият" ширкат хўжалиги ғаллакорлари давлатга 930 тонна бошоқли дон сотиб, шартномани бажаришди. Хўжаликда ғалла ўрим-йиғими давом эттирилмоқда. Шартномадан ортиқча ҳосил ижарачиларга берилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Меҳнат фахрийси Жўра Акромов, пудратчи Фахриддин Ўринбоев, бош пудратчи Эргаш Абдураззоқов ва пудратчи Шокир Йўлдошевлар; 2. Қудратли "Кейс" билан ўриб-янчиб олинган ҳосилдан навбатдаги машина ризқрўзга тўлмоқда.

Ф.АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.

**Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққатига!**
*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси таркибидаги Қўқон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги*
**EFFEKTIV OIL**
хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда
**МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКларни сотиб олади.**
Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласизлар.
Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
**Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53**
**Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83**
**Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.**

## ПОПЛИК ВА ЧИНОЗЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ЮТУҒИ

***Мамлакатимиз ғалла мустақиллигига муносиб улуш қўшишга интилаётган Поп ва Чиноз туманлари деҳқонлари давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятларини ошириб бажардилар.***

Попликлар тайёрлов идораларига 24391 тонна, чинозликлар эса 17 минг тоннадан зиёд ғалла етказиб беришди. Ҳар икки туманда уруғлик ғалла тайёрлашга эътибор кучайтирилиб, 1,5-1,8 минг тоннадан сара дон тайёрланди.

# ЯРИМ ЙИЛДА ЮЗ МИЛЛИОН

***Тадбиркорлик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу соҳа этагидан тутган кишидан тинимсиз изланиш ва меҳнат талаб этилади.***

ЖАРАЁН

Самарқанд шаҳридаги "PAR-IMPEKS" ишлаб чиқариш корхонаси ана шундай ишбилармонлардан бирининг саъй-ҳаракати туфайли ишга туширилган. Бугунги кунда у ерда 20 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди.



-2001 йилда фаолиятимизни бошлагандик, - дейди корхона директори Парвиз Шукуров. - Ўттиздан ортиқ турли хилдаги маҳсулотлар: спорт анжомлари, тиббиёт жиҳозлари, офис мебеллари ва ҳар хил металл конструкциялари ишлаб чиқараяпмиз. Асосий вазифамиз маҳсулотимизни буюртмачилар дидига мослаб, айтган вақтида тайёрлаб бериш. Бугуннинг гапи ҳам шундай. Чунки буюртмачилар нозик дид соҳиблари бўлишади. Маҳсулотимизга эътироз билдиришса, ҳам ишлаб чиқаришга, ҳам ҳамёнга зарар.

Яқинда Мудофаа вазирлиги билан республикамиздаги ҳарбий қисмларга спорт тренажёрлари етказиб бериш бўйича шартнома туздик.



Корхонада иш қизғин. Ишчиларга яратилган шароитларни кўриб кўнглимиз кўтарилди. Ювиниш, дам олиш, овқатланиш, кийиниш хоналари улар хизматида. Сифатли ва мустаҳкам ишланган маҳсулотларга қараб ҳавасингиз ортади.

-Шаҳримизнинг обод ва кўркам бўлишида ўз кучимизни аямаяпмиз, - дейди у. –Самарқанднинг чиройига чирой, кўркига кўрк қўшиб турган байроқчалар бизнинг маҳсулотимиз. Яқинда иккита болалар ўйингоҳини қуриб, ишга туширдик. Шунингдек, кўплаб спорт иншоотлари, дам олиш масканларини таъмирлаш ва жиҳозлашда ёрдам бераяпмиз. Ҳозир Темирйўл туманидаги болалар спорт ўйингоҳини жиҳозлаб беришни режалаштирганмиз.



2002 йил апрел ойидан то йил якунига қадар 26 миллион сўмлик маҳсулотни сотувга чиқарган бўлсак, шу йилнинг олти ойи мобайнида бу кўрсаткич 100 миллион сўмдан ошиб кетди. Тендерларда қатнашиб, мижозларимизни кўпайтириб олдик.

Дарҳақиқат, интилганга толе ёр, деганлари шу бўлса керак. Қисқа муддат ичида бор имкониятларни ишга солиб катта ютуқларга эришаётган "PAR-IMPEKS"чиларга омадлар тиладик. Алқисса мамлакатимизда ана шундай корхоналар сафи кўпаяётгани келажагимизнинг янада нурафшонлигидан далолатдир.

**Беҳзод ҲОТАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги "BAYT UL-MOL" МЧЖнинг штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидан рўйхатдан ўтказилган "EKSTOL" хусусий фирмаси тугатилади. ОКПО бўйича код 18586163. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Манзил: 700027, Тошкент, Қозиробод кўчаси, 25-уй. Тел.: 189-81-01.

Бекобод шаҳридаги 11-мактаб томонидан 1987 йили Холматова Гулбаҳорга берилган № 410222-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бекобод шаҳридаги 16-мактаб томонидан 1996 йили Маҳкамов Рустамга берилган № 051766-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бекобод туманидаги 3-мактаб томонидан 1993 йили Қаршиев Рустамга берилган АУ № 27391-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бекобод шаҳридаги 7-мактаб томонидан 1989 йили Назирова Муҳаббатга берилган Д № 775646-рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йили хусусий тадбиркор Ўрмонова Нури номига берилган № 1108234-рақамли савдо патенти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ЎН ОЛТИНЧИ ФАРЗАНД – ЗИРОАТЧИ

***Ёзёвон туманида табаррук онахон бор: аслида унинг исми Кароматхон. Одамлар эъзозлашиб, Сирдарё хола дейишади. Марказий Фарғона қўриғи ўзлаштирилаётган пайтда Сирдарё томонлардан чўлқуварлар сафига келиб қўшилганлиги туфайли уни шундай аташганди.***

ИБРАТ

Йиллар ўтиб, онахон одамлар эътироф этган номга муносиб бўлди: азим дарёдай жўшди, тошди, ҳаёти давомида кўп эзгу ишларга бош-қош бўлди. Умр йўлдоши Абдуҳаким ака билан Ёзёвон чўлларини ўзлаштиришда фаол иштирок этди, ўн олти фарзандни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказишди. Ўғил-қизларнинг барчасини ўқитишиб, олий маълумотли қилишди, эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашди. Бугунги кунда Каромат ая ва Абдуҳаким аканинг 16 фарзанди Ёзёвон тумани халқ таълими, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида самарали ишлашмоқда. 32-мактаб директори Иқбол, агроном Абдунosир ва бошқа фарзандлари мактабларда, даволаш муассасаларида эл-юртга сидқидил хизмат қилишаётир.

Кенжа фарзанд Шокиржон эса фермерликни ихтиёр этди. Истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, у мулкдор бўлди, "Сирдарё хола" фермер хўжалигига етакчилик қилмоқда. Тадбиркорлар бу йил 18 гектар ерда дон, 15 гектар ерда пахта, қолган майдонларда маккажўхори, полиз экинлари етиштириш учун астойдил интилмоқдалар. Дастлабки ютуқ қўлга киритилди. 60 тоннадан зиёд ғалла давлатга сотилиб, бу соҳадаги шартнома топшириғи ошиғи билан адо этилди. Бугунги кунда асосий диққат-эътибор ғўза парваришига қаратилган.

**Ҳайдар АҲМЕДОВ**



**СУРАТДА: фермер Шокир Хусанов акаси Суннат билан ғўза ривожини кўздан кечирмоқда.**

М.АСТАНАҚУЛОВ олган сурат.

**ЮРТИМИЗ ҒАЛЛАКОРЛАРИ, ДЕҲҚОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**



Акциядорлик тижорат "Пахта Банк"

*Жорий йилнинг 1 июнидан бошлаб 31 июлига қадар бўлган давр мобайнида 1 йил муддатга очилиб, йиллик 54 фоиз даромад тўланадиган*







*"Ҳосил" жамғарма омонатини таклиф этади.*

*Ушбу омонатга маблағингизни "Пахта Банк" нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.*



*Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!*

"Пахта Банк" - фаровонлигингиз калитидир!

## ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### МОСКВА: ФОЖИАГА АЙЛАНГАН ФЕСТИВАЛ

***Ўтган шанба куни Москва шаҳридаги "Тушино" аэродромининг ёзги майдончасида ўтказилган рок-фестивали фожиа билан якунланди.***



Икки террорчи-камикадзе аёллар томонидан амалга оширилган террор акти туфайли уларнинг ўзларидан ташқари концертга келганлардан 13 нафари ҳам ҳалок бўлишди. Шифохоналарга ёткизилган 59 кишидан 19 нафарига жавоб берилган. Бироқ, 5 кишининг аҳволи ўта оғир, 11 кишининг аҳволи эса оғир ҳолатда турибди. Улардан ҳам қурбонлар берилиши мумкин. Террорчилардан бирининг шахси аниқлаштирилган бўлиб, Чеченистоннинг Курчала қишлоғида туғилган 20 ёшли Зулихон Элихўжаева жума куни Ингушетиядан Москвага келган экан. Бутун Россия бўйлаб мотам куни эълон қилинди. Россия президенти Владимир Путин эса террор туфайли Ўзбекистонга режалаштирилган 6-7 июл кунги сафарини бошқа муддатга кўчирди.

### УНИВЕРСИТЕТДА ОТИШМА

***Бағдод университети талабалари билан 2 нафар Америка аскари суҳбатлашиб турган чоғида, уларнинг ортидан келган номаълум шахс тўппонча билан аскарлардан бирини бош қисмидан отиб ташлаган.***



Жиноятчи яширинишга муваффақ бўлган. Рамади шаҳрида эса АҚШ қўшинлари Саддам Ҳусайннинг республика гвардиячилари томонидан гранатомёт ҳужумига учраганлар. Аскарлар орасида яраланганлар бўлиб, лекин уларнинг аниқ сони маълум қилинмаган. Ўтган шанба куни эса Ироқ пойтахтида британиялик журналист 24 ёшли Ричард Уайлд ўлдириб кетилган эди.

### ФАЛАСТИНЛИК МАҲБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛМОҚДА

***Исроил вазирлар маҳкамаси мамлакат қамоқхоналарида сақланаётган фаластинликларнинг бир неча юз нафарини озод қилишга овоз берган.***



Ушбу розилик Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббоснинг талабларидан бири ва халқаро ҳамжамият томонидан тузилган "Йўл харитаси"нинг бўлимларидан бири эди. Исроил ҳукуматининг билдиришича, махсус хизмат томонидан тавсия этилганларгина озод этиладилар. Қотилликда айбланганлар, ХАМАС, "Ислом жиҳоди" ташкилотлари аъзолари эса панжара ортида қолишади. Айни шу билан бирга махсус комиссия ҳам тузилган бўлиб, у "Йўл харитаси"даги фаластинликларга тегишли талабларнинг бажарилишини кузатади.

Ўз навбатида фаластинликлар ҳам ижобий қадам ташлаётган бўлишиб, кеча улар Ғазо секторида 18 ёшли террорчи-камикадзе қизни ҳибсга олганлар. У Исроил ҳудудига ўтиб, ўзини ўзи портлатиши ҳақида мактуб ёзиб, уйида қолдирганидан сўнг ушланган.

### ЭГИЗАКЛАР АЖРАЛАДИ

***"Ассошиэйтед Пресс" агентлигининг хабар беришича, якшанба куни Сингапурда бошланган сиам эгизакларини бир-биридан ажратиш, яъни уларни алоҳида-алоҳида, мустақил яшашларига имкон берувчи операцияда 30 нафар хирург ва 100 нафар ҳамшира иштирок этмоқда.***



Эронлик 29 ёшли опа-сингиллар Лали ва Ладан Бижанилар устида олиб борилаётган операция 2 суткадан 4 суткагача давом этиши мумкин. Таналари алоҳида, лекин бош қисмлари бирлашиб кетган бундай эгизаклар устидаги операцияга таваккалчилик билан қўл урилган бўлиб, операция чоғида улардан бири ҳалок бўлиши ёки аксинча, соғ-саломат бўлиб кетишлари мумкин. Айнан шу жиҳатдан опа-сингиллар огоҳлантирилиб, уларнинг розиликлари олинган. Бундай операциядан ўтиш учун опа-сингиллар 7 йилдан буён кўп шифокорларга мурожаат қилишган бўлиб, сингапурликлар розилик билдирганлардан сўнг, бу ерга келганлар. Махсус операцияда АҚШ, Япония, Франция, Швейцария мутахассислари ҳам қатнашмоқдалар.

### "МИ-8" ҲАЛОКАТИ

***Россия ҳаво кучларига қарашли "Ми-8" русумли ҳарбий вертолётнинг Чеченистонда ҳалокатга учраши боис, 4 киши ҳалок бўлиб, 11 киши жароҳатланди.***



Маълум бўлишича, Курчалаев туманидаги учиш майдончасидан кўтарилган вертолёт бир неча дақиқа ўтиб ерга қулаган. Ҳозирда фожиа сабаблари ўрганилаётган бўлиб, Россия Федерацияси прокуратурасининг билдиришича, унга учиш қоидаларининг бузилиши, яъни техник носозлик сабаб бўлган. Бундай ҳалокатлар авваллари ҳам кузатилган бўлиб, уларнинг айримлари жангарилар томонидан отилган ракетага рўбарў келган эдилар, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 8 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 665,39 | 1 Польша злотийси | 251,67 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1622,06 | 1 СДР | 1369,81 |
| 1 Дания кронаси | 150,19 | 1000 Туркия лираси | 0,70 |
| 1 БАА дирхами | 265,24 | 1 Швейцария франки | 721,05 |
| 1 АҚШ доллари | 974,21 | 1 ЕВРО | 1115,86 |
| 1 Миср фунти | 161,03 | 10 Жанубий Корея вони | 8,28 |
| 1 Исландия кронаси | 12,76 | 10 Япония иенаси | 82,48 |
| 1 Канада доллари | 728,22 | 1 Россия рубли | 32,16 |
| 1 Хитой юани | 117,70 | 1 Украина гривнаси | 182,69 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,40 | | |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# САДОҚАТ МАЪБУДАСИ

(Боши 1-бетда)

Саида Зуннунова ижодида Она образи муҳим ўрин тутади. У оналик, аёллик ҳисларини неларга қодирлигини шу образ воситасида кўрсатиб берган. Табиийки, "шоиранинг онаси қандай аёл экан", деган савол туғилиши мумкин. Жавобни шоиранинг ўзи беради. "Онам Сабохон жуда хушрўй аёл эди. Чиройли овози бор эди. Мен унинг сингилларимга айтган алласини, кашта тикиб ўтириб айтган халқ термаларини гўдак пайтимдаёқ беҳаяжон эшитолмас эдим. Онамнинг ҳаёти оғир бўлди. Жуда кўп йўқотиш, қийинчилик кўрди. Айниқса, ёшгина бир синглимнинг вафотидан кейин онамнинг соғлиги мени жуда қаттиқ ташвишга соларди, қўрқардим, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилардим. Унинг синглим шаънига айтиб йиғлаган байтлари қулоғимга келиб ўрнашиб қолар, қуюн сингари югуриб юрардиму, беркинолмасдим".

Саида Зуннуновани вояга етказган аёл ҳақиқатан ҳам эъзозга лойиқ аёлдир. Фақат шоирага она бўлгани учунмас, ҳаёт машаққатларини енгишда ибрат бўлгани учун ҳам. Саид Аҳмад бу аёл ҳақида "Қирқ тўққизинчи йилнинг 28 ноябрида – тўйимиз куни Саидахоннинг 17 ёшга кирган биттагина ўғил укаси Насибжон оламдан ўтган эди. Онаси Сабохон ая қизининг тўйида яйрабяшнамай Андижонга қайтиб кетди. Ўша куни Сабохон аянинг бир боласига Тошкентда никоҳ ўқилди, бир боласига Андижонда жаноза ўқилди. Бундан ортиқ даҳшат бўладими?", дейди.



Ҳақиқатан ҳам, она учун бундан ортиқ даҳшат бўлмаса керак. Эрининг, қизининг ва ёлғиз ўғлининг ўлими туфайли она ўлим билан юзма-юз келди. Ўлим синови бу ёруғ дунёдаги энг оғир синовлардан биридир. Ўлим ҳар лаҳзада мавжудлигини эслатиб турган жойда Аллоҳга ҳисоб берилади. Дилида иймони борлар ёмонлик томон юз буролмайдилар. Саида Зуннунова Аллоҳ деб яшаган, ўлим азобларини тортаторта покланган бир аёлнинг фарзанди сифатида ўзбек шеъриятига кириб келди. Уни "онамнинг алласини айтиб, юрагини машъала қилиб ўтаман", деган сўзларида заррачаям муболаға йўқ.

Саида Зуннунова отаси ҳақида "Дадам Эргашбой Зуннунов дунёдан ёшгина ўтиб кетган бўлса ҳам, менга умр бўйи унутмайдиган хотира ва меҳрни қолдирган. Дадам болаларининг илмли, яхши одамлар бўлишини истарди. Вафотидан сал аввалроқ қўшниларимиздан бирига "ҳеч бўлмаса Саидани ўқитиб қўёлмайманми, деб қўрқаман", деган экан. Мен саккизинчи синфни тамомлаган кезларимда дадам вафот қилди".

Отасидан айрилган шоира ғам, йўқлик, меҳнат нелигини эрта англаган. Ҳар бир нарса тўғрисида фикрлашга ва дунёга ўз нигоҳи билан қарашга ўрганган. Шоира балки бу дунёнинг омонатлигини эрта англагандир... Камтар, меҳнаткаш, содда, ҳалол одамлар бўлган ота-онаси томиридаги хислатлар меҳр, садоқат, шафқат бўлиб шоира шеърларига кўчган. Нур бўлиб кўнглига, сўзига, кўзига, юзларига кўнган.

Шоира шу нур билан оламга боққан. Шу нур унга ҳаётида учраган ноҳақликларга қарши курашиши учун куч берган. Бу ишқ эгаси Саид Аҳмад бўлиб унинг ҳаётига кириб келган. Болалигидаёқ ўлимнинг жафоларини кўриб ўсган юрак вояга етгач, ишқ синовларига дуч келади. Айни пайтда бу инсон иродасининг неларга қодирлигини кўрсатиб берувчи оғир синовдир. Бунда инсон боласи ҳаёт қилкўприкларидан ўтади. Шоир ҳамиша дардли қалб билан яшайди. Табиийки, ҳар қандай ижодкор ҳам бу фикрни айтиши мумкин. Лекин у шу дил дардларига, истеъдодига умрининг охиригача хиёнат қилмайдими? Асосий гап шунда. Саида Зуннунова ҳеч қачон изтиробини енгиллатиш учун яшашнинг осон йўлларини ахтармаган. Бу ҳақда Саид Аҳмад шундай хотиралайди: "...эзилиб кетган пайтларида, бу дунёга фақат азоб чекиш учун келган эканман, деб ўкиниб қўярди". У бошқача яшолмасди. Саида Зуннунова меҳр қўйган ҳар бир жонли, жонсиз мавжудот учун фидо бўлиб яшовчи инсондир.

Шеъриятнинг, дарднинг содиқ бир фарзанд бўлиб дунёга келган шоиранинг кечинмалари ўлимидан сўнг ҳам уни уялтириб қўймади. Шоира бир шеърида:

Қайтадан жонланур таржимаи ҳол,
Қайтадан жонланур савол ва жавоб
Шунда илашмаса изимга ғубор,
Синовлардан ўтсам, гумонсиз, осон,

деганди. Ижодкор келажак олдида ҳам масъулдир. Саида Зуннунова буни билган. Ҳар қандай ижодкор ҳам бир асрдан иккинчисига ўтиб кета олмайди. Ўтиш "осон" иш эмас. Бунинг учун нафақат ўз даврининг, балки келажакнинг ҳам саволларига жавоб бериш керак. Тириклигида даврнинг қийноқлари олдида юз тубан бўлмаганлар келажак олдида ҳам юз қора бўлмайди. Шоира келажакда ҳам номига "ғубор" қўнмаслигини истаган. Бугун шоира йўқ. Лекин унинг босиб ўтган йўлларида қолган излар мавжуд. Шеърларига сингиб кетган юраги ҳамон уриб турибди.

**Сайёра ЖУМАБОЕВА**

# НУКУСДАГИ ЗИЁ МАСКАНИ

МАЪНАВИЯТ

***Нукус шаҳридаги Шомуродова кўчасига қарашли тўрт қаватли бинолардан бири доимо одамлар билан гавжум бўлади. Боиси бу ерда Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси жойлашган.***

Бундан 67 йил олдин Тўрткўл шаҳар кутубхонаси негизида ташкил этилган зиё масканида 300 мингга яқин ҳар хил номдаги адабиётлар жамланган. Шунингдек, 586 номдаги вақтли нашрлар, юзлаб нодир китоблар, "Қирққиз", "Алпомиш", "Едиге баҳодир" сингари достонларнинг асл нусхалари авайлаб сақланмоқда.

-Ҳақиқий маънавият маскани ҳисобланган, бир неча юз минг дона адабиётларга эга кутубхонамизга 12 минг нафар турли касб эгалари аъзо бўлган, - дейди кутубхона директори Гулистон Абдуллаева. – Уларга 8 та бўлим хизмат кўрсатади. Икки йил илгари халқаро Сорос жамғармаси кўмаги билан кутубхона қошида "Ҳуқуқий ахборот маркази" иш бошлаган эди. Айни пайтда янги технология ва автоматлаштириш борасида ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлиш хизмати қизғин фаолият кўрсатаётир. "Интернет-компьютер ўқув маркази" лойиҳаси халқаро Сорос жамғармаси томонидан шу йил апрел ойида амалга оширилди. Кутубхонамиз интернетга уланди. Бу – жамоамиз учун ҳам, китобхонлар учун ҳам қувонарли воқеа бўлди. Яқин вақтларда эса китобларнинг электрон тизимини ишга тушириш, интернетдан бепул фойдаланиш режалаштирилмоқда. Шундай қилиб кутубхонамиз фақат ахборот маркази бўлиб қолмасдан, янги технологиялар билан таъминланган билим масканига айланади. Ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимида 443 та оммавий кутубхоналар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 340 таси қишлоқларда жойлашган. Ана шу зиё масканларига ҳам узлуксиз равишда услубий хизмат кўрсатаётирмиз.

Дарҳақиқат, Оролбўйидаги энг йирик маънавият маркази ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси ходимлари ўз имкониятлари даражасида ранг-баранг хизмат кўрсатиб, эл-юрт олқишини олишга астойдил интилмоқдалар. Жумладан, кутубхонанинг интернет тизимига уланиши, компьютер залининг мунтазам ишлаб туриши, ҳафтанинг ҳамма кунлари дам олишсиз мижозларга беминнат хизмат кўрсатилиши қувонарли ҳолдир. Аммо, уларнинг хайрли, шу билан бир қаторда савобли хизматлари янада самаралироқ бўлиши мумкин эди. Хўш, бунга нима монелик қилаяпти?

Вазият билан яқиндан танишиш асносида айрим муаммоларни ҳал этиш лозимлиги кўзга ташланди. Биринчи галда хизмат кўрсатишни юксалтириш, китобхонларнинг мавжуд адабиётлардан тўла баҳраманд бўлишлари, кутубхонага махсус бино қуриб берилиши ёки ҳозир Қорақалпоғистон пойтахтидаги мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда зарур қулайликларга эга бўлган "бошпана" топиб бериш лозим. Чунки Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонаси учун ўтган асрнинг 30-йилларида қурилган кўримсизгина бино бундан беш йиллар олдин авария ҳолатига келгач, ҳозирги иморатга кўчиришга мажбур бўлинган эди. Саккизта бўлим, китоблар фонди мазкур бинонинг биринчи ва учинчи қаватларига жойлашган. Бу ерда шунингдек, "Орол олтин мероси", "Матбаа ишлаб чиқариш корхонаси", "Ўзбекинвест", "Юринкамадвокатлик бюроси", қатор фирмалар офислари ҳам фаолият кўрсатаётир. Кутубхона бино эгаси "Шаҳар ва қишлоқ лойиҳа" илмий-текшириш институти филиалига ҳар йили 2 миллион 340 минг сўм ижара ҳақи тўлайди. Табиийки, кутубхонанинг бундай жойлашиши китобхонлар учун ҳам, ходимларга ҳам қатор ноқулайликлар туғдирмоқда. Салкам 260 минг аҳоли истиқомат қилувчи, Ўзбекистон Фанлар академияси бўлими, институтлар, юзлаб маданий-маърифий даргоҳлар жойлашган, йил сайин кескин ривожланаётган Нукусдек йирик шаҳардаги Қорақалпоғистон Республикаси китоб фондини тўлдира бориш ҳам ачинарли аҳволда. Ўтган йили атиги 662 та китоб келтирилган бўлса, амалдаги йилнинг ўтган даврида бирорта ҳам янги адабиётлар олинмаганлиги фикримизнинг далилидир. Китоб фондини тўлдириб бориш марказда шу ҳолатда бўлса, иккита шаҳар, 15 та туманлар марказий ҳамда 340 та овул кутубхоналаридаги ҳақиқий аҳволни тасаввур қилиш қийин эмас!

Китоб – инсониятнинг маънавий юксалиш асоси бўлган, ҳеч шубҳасиз бундан кейин ҳам (қандай техник воситалар ҳаётга кириб келишидан қатъий назар) худди шундай бўлиб қолади. Чунки китоб – том маънода ҳақиқий хазина. Шундай экан, Қорақалпоғистон Республикаси кутубхонасидаги мавжуд хазинадан янада кўпроқ аҳоли баҳраманд бўлишлари учун мутасадди ташкилотлар амалий кўмак кўрсатсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди!

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# SPORT OLAMIDA

## ВАКИЛЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

***АҚШнинг миллий спорт ўйинларидан бири боулинг истиқлол шарофати туфайли мамлакатимиз ёшлари орасида ҳам оммалашмоқда.***

Буни яқиндагина АҚШ элчихонаси ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ўтказилган боулинг бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақаси ҳам исботлаб турибди. Спортнинг мамлакатимиздаги кенжа турларидан ҳисобланган боулинг беллашувлари ғолиблари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси сифатида Гондурасда ташкиллаштириладиган жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

## ҲОМИЙЛАР САХОВАТИ

***Чиноз тумани марказий ўйингоҳи қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.***

Туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ҳамда тумандаги саховатпеша корхона, ташкилотлар ҳамкорликларида ўзгача чирой касб этган ўйингоҳ ўриндиклари янгиланди, кўпайтирилди. Спортчиларнинг машғулотларни кўнгилдагидек ўтказишлари учун дам олиш, ювиниш, овқатланиш хоналари ҳам барпо этилди. Қувонарлиси, чинозлик болалар орасида спортни оммавийлаштириш ишига ҳисса қўшишга аҳд қилган Чиноз туман марказий ўйингоҳи маъмурияти томонидан турли хил тўгараклар ташкил этилди. Эндиликда болажонлар футбол, теннис, шоҳмот, шашка, кураш, енгил атлетика, каратэ, оғир атлетика, югуриш ва бокс билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлишди.

## КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

***Тошкент шаҳридаги шоҳмот клубида 18 ёшли ўсмирлар ўртасида уюштирилган шоҳмот бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари мутахассислару мухлисларга янги номларни кашф этди.***

Чунки эркаклар ва қизлар ғолиблик учун кураш олиб борган беллашувларда мамлакатимизнинг Тошкент шаҳри ҳамда 10 та вилоятидан 68 нафар ёш истеъдодлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шуниси қизиқки, мутахассислар фикрига кўра чемпионатда пойтахтлик Антон Филлипов ҳамда самарқандлик Юлдуз, Шаҳноза Ҳамроқуловалар биринчи ўринга асосий даъвогарлар ҳисобланишарди. Бундан ташқари, нуфузли турнирда спорт усталари ФИДЕ устаси ҳам ўз истеъдодларини намоён этаётганди. Аммо, қизиқарли, кескин курашларга, комбинацияларга бой кечган мусобақалар якунида омад пойтахт вилояти шоҳмотчиларига кулиб боқди. Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда барча рақибларини доғда қолдирган Дамир Ҳусниддинов ғолибликка асосий даъвогар ҳисобланаётган бўлса, қизлар орасида пойтахт вилоятининг яна бир вакили Елена Лёвушкинага тенг келадиган рақиб топилмаётир. Биринчилик беллашувлари яна икки кундан сўнг ниҳоясига етади.

## СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактаб қошида ташкил этилган "Наврўз" оромгоҳи ҳақиқий байрам тусини олди.***

Бу ерда дам олаётган ёшлар оммавий кўчма спорт ўйинларида футбол, волейбол, қўл тўпи, шоҳмот, шашка, теннис бўйича мусобақалар уюштиришди. Кескин курашларга бой кечган қизиқарли тадбир якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддилар – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Шайхонтоҳур туман бўлими ҳамда "Наврўз" оромгоҳи маъмурияти таъсис этган совғалар туҳфа этилди.

## ЯНГИ ЮЛДУЗ КАШФ ЭТИЛДИ

***Буюк Британияда бўлиб ўтган "Катта дубулға" туркумига кирувчи Уимблдон турнирида янги юлдуз кашф этилди.***

Финал учрашувида австралиялик Марк Филиппуссисга қарши кортга чиққан швейцариялик Роже Федерер 1 соату 56 дақиқа давом этган ўйинда 7/6, 6/2, 7/6 ҳисобида ғалаба қозонди. Кўп бор "Катта дубулға" туркумидаги турнирлар ғолиблигига номзод бўлган 21 ёшли Федерернинг бу ғалабаси Уимблдон турниридаги швейцарияликларнинг илк муваффақиятлари саналди. Ушбу ғалабадан сўнг Федерернинг АТР таснифидаги рейтинг кўрсаткичи кескин кўтарилиб кетди.

## ВЬЕЙРА ШАРТНОМА ТУЗДИ

***Лондоннинг "Арсенал" клуби ўз жамоа сардори Патрик Вьейра билан уч йиллик шартнома тузди.***



Унга кўра Франция терма жамоасининг ярим ҳимоячиси ҳафтасига 70 минг фунт стерлинг миқдорида маош олади. "Арсенал" учун барча масалаларни ҳал этиш вақти келди. Келгуси 2-3 йиллар клуб тарихида муҳим из қолдиради. Бош мураббий Венгер билан биз катта ғалабалар қозонишимизга ишонаман", дея айтган Патрик Вьейра.

## БЕККЕНБАУЭР "РЕАЛ"НИ ТАБРИКЛАДИ

***Мюнхеннинг "Бавария" клуби президенти Франц Беккенбауэр унга Мадриднинг "Реал" клуби ёқишини тан олди.***

Немис телеканалларидан бирига интервью берган Кайзер Франц испанияликларни Дэвид Бекхэмни сотиб олишгани билан табриклади. Унинг фикрича, англиялик футболчи дунёдаги энг яхши ўйинчилардан саналади. "Қироллик клуби"нинг у билан тузган шартномаси ҳам кўнгилдагидек.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# ҒАРОЙИБ ОЙНОМА

(Боши 1-бетда)

Маълумки, қишда, совуқда ҳамма нарса қисилиб, торайди. Қиш ана шу "қис", қисиниш маъносидан келиб чиққан. Қиш тугаб, кунлар исиган, офтоб чарақлаб ўт-ўланлар ўсиб чиққан. Она табиат уйғонган, ёйилиб-ёзилган. Шундан ёз номи келиб чиққан. Ёзда молларни олиб чиқиб ўтлатиладиган ерни яйлов, қишда мол-жон сақланадиган ерни қишлов деб аталиши ҳам худди шундан. Ёзни баъзида оз ҳам дейишган. Бу ҳақда сўз ўйини ҳам бор:

Оз бўлмагунча
ёз бўлмас,
Ёз бўлмагунча
соз бўлмас.

Аждодларимиз йилни тўрт фаслдан иборатлигини кейинроқ кашф этишган. Йиллар ўтиб юқоридаги қиш ва ёз фасллари қаторига кўклам ва куз номлари келиб қўшилган. Кўкламкўкариш фасли, деган маънони бериши ҳаммамизга маълум, бунга изоҳнинг ҳожати йўқ. Куз атамасига келсак, маълумки, қўйларни баҳорда жуни олинган, кузда эса қишловга кириш олдидан жуни олинмаган, балки кузалган. Кузаш, куз сўзлари шундан келиб чиққан.

Мана энди сизни қизиқтирган ой номлари – ойномаларга тўхталсак. Эски ўзбек тақвимида биринчи ой 22 мартдан бошланган. Узоқ аждодларимиз бу ойни ёзнинг бошланиши – Ёз, деб аташган. Иккинчи ой - Ўтёкмас, деб номланган. Бу ҳам табиий бўлиб, ҳаво ҳарорати кўтарилиб, кунлар исиши билан ўт ёқишга ҳожат қолмаган. Бу ой 22 апрелдан 12 майгача тўғри келади. Кейинги ой 27 майдан 22 июнгача Кўкўк ойи, дейилган. Ҳозир ҳам баъзибаъзида учраб қоладиган кўкунак, деган қуш бор. Тонг саҳарда сайраб, одамларни уйғотади, ўзини хуш, ёқимли овози билан дилларга ҳаяжон солади. Бу ном Кўкўк сайрайдиган ой маъносидан келиб чиққан.

Навбатдаги ой Қирқйилқичи ойи. Шу ўринда бир ривоят. Бир пайтлар шоирларимиз нуқул ойни мақташаверган экан-у, кунга ҳеч эътибор беришмаган экан. Кун бундан хафа бўлиб, аразлаб беркиниб олибди. Ҳаммаёқни қоронғулик, зулмат қоплабди. Ўт-ўланлар кўкламай, одамлар қийинчиликка учрабди. Юртнинг йилқисини боқадиган қирқ йилқичи паҳлавон ака-укалар бўлган экан. Одамлар ўйлай-ўйлай, ана шу ака-укалар ҳузурига нажот сўраб боришибди. Кунни қайтаришга ёрдам беришларини илтимос қилишибди. Қирқ ака-ука кун ҳузурига боришса, кун шаштидан тушмабди, қайтмабди. Шунда ака-укалар қирқта сиртмоқ ясаб, тоғнинг энг баланд чўққисига чиқиб сиртмоқ ташлаб кунни ушлашибди. Уни судраб олиб келиб, ерга қирқта олтин қозиқ қоқиб, боғлаб қўйишибди. Шу-шу бу ойнинг номи элпарвар ака-укалар номига мингзалиб қирқйилқичи, баъзида Олтин қозиқ, деб номланар эмиш.

Бешинчи ой – Сорча ойи. Сорчанинг иккита маъноси бор. Биринчиси, Сорча деган қуш номи билан боғлиқ.Сорча келадиган вақт маъносида. Иккинчиси, сарчайиш-сарғайиш маъносида. Кейинги ой – Қиркуяк. Бу ой номи чўпонларимиз урф-одатидан келиб чиққан. Совлиқ куз аввалида "қочса", қиш қаҳратонида қўзилаб, қийинчилик туғдирган. Шунинг учун чорвадорлар така ва қўчқорларга куяк деган нарсани боғлаб қўйишган. Куяк қирқ кун мобайнида совлиқларни бўғоз бўлишидан сақлаган.

Навбатдаги ой – қоқичун. Момақаймоққа ўхшаш пуфласа учиб кетадиган ўт номидан келиб чиққан. Кейинги ой – Қорача. Шу ном билан аталувчи қушнинг иссиқ ўлкаларга учиб кетадиган вақтига менгзалиб қўйилган ном бўлиб, 22 октябрдан 22 ноябрга тўғри келади. Бу ҳақда "Қорачада қор ётмас" деган нақл ҳам бор. Қорачадан кейинги ойни – Қозон ойи, дейишган. Чорвадор аждодларимиз қишда қозон осиб эт пишириб, кўкламгача етгулик даражада эт ғамлаб олишган.

Навбатдагиси – Қантар ойи. 22 декабрдан 22 январгача тўғри келади. Бу пайтда ем-хашакдан тежаш мақсадида чорва ҳайвонларини қантаришган. Ой номи ҳам худди ана шундан келиб чиққан. Оқпон ойи. Аждодларимиз тасаввурича, Оқпон деган бир мавжудот бўлиб, табиатни ҳам, одамларни ҳам алдаркан. Ҳозиргина илиб турган ҳаво бирдан совуб, чорва ҳайвонларининг қирилиб кетиш хавфи пайдо бўларкан.

Ниҳоят, ўн иккинчи ой, Кунтуғар. Янги кун, янги йилнинг бошланиши. Шундан келиб чиққан ҳолда кейинчалик Наврўз деб ҳам аталган...

-Бу ой номларини қаердан топдингиз, ҳамал, савр, мезон... каби атамалар қачондан қўлланила бошланган, январ, феврал, март каби номлар-чи? – дея саволлар ёғдирамиз Яхёхон акага.

-Манба эски адабиётлар, жадидлар даврида шаҳримизда нашр этилган "Шўро" журнали, тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашган отахон-онахонларимиз айтиб берган ҳикоятлар-у ривоятлар, - дейди ҳамсуҳбатимиз, - кейинги саволларингизга келсак, буларнинг ҳар бири алоҳида мавзу.

Мозийшунос, манбашунос, доимий изланишдаги ажойиб инсон Яхёхон Дадабой ўғли билан яна учрашадиган бўлиб хайрлашдик.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



Болаликнинг бахтли онлари.

Б.Акрамов олган сурат.

## ТАБОБАТ

### ҚУШ ГЎШТИ

* Ёввойи қушларнинг гўшти жуда қувватли бўлади. Кулранг каклик гўшти ич қотганда ёрдам беради, жуда кучли таом.

* Энг яхши қуш гўшти товуқники ҳисобланади. Товуқ гўшти осон ва яхши ҳазм бўлади. Ақлий қобилиятни кучайтиради, қон ишлаб чиқаришни яхшилайди.

* Жўжа гўшти ҳам танага яхши сингади. Хўроз гўшти ўткир касалликларга қарши яхши даво саналади...

### МАЛИНА

Малинанинг бир йилда икки марта (баҳорда ва кузда) ҳосил берадиган турлари бор. Унинг қизил, баъзан сариқ ва тўқ қизил-қора рангли навлари учрайди.

Малина таркибида 5,7-11,5 фоиз қанд моддаси, 1-2 фоиз органик кислоталар мўл, шунингдек, В дармондориси, каротин, пектин ҳамда хушбўй моддалар бор. Қоқиси, мураббоси ва қайнатмаси кўпинча терлатувчи дори сифатида ишлатилади.

### ОЛЧА

Таркибида 8-17 фоиз қанд моддаси, 0,9-2,8 органик кислоталар, 0,8 фоиз чамасида минерал тузлар, С дармондориси бор.

Олча меваси ҳамда шарбатининг рангига қараб икки гуруҳга бўлинади. Бири нордон, шарбати тўқ рангда бўлса, иккинчи гуруҳи оч қизил, шарбати рангсиз, ширин бўлади.

### ТУТ

Балхи тут, хашаки тут, шотут каби турлари бор. Балхи тут меваси таркибида 11 фоизгача қанд моддаси, 1,5 фоизгача азотли моддалар, органик кислоталар, витамин С, ошловчи ва бошқа моддалар бор. Меваси, асосан янгилигича ейилади, қуритилиб тутмайиз қилинади. Халқ табобатида меваси иситмага қарши, ичак касалликларида, қонни тозаловчи, кўпайтирувчи дори сифатида ишлатилган. Барги таркибида микроэлементлар, С витамини, каротин ва бошқа моддалар бор.

Шотут таркибида қанд, органик кислоталар, пектин, бўёқ ва бошқа моддалар бор. Меваси иситмага, ошқозон-ичак касалликларига қарши чанқоқ босди дори сифатида ишлатилади.

**Зуҳра РИХСИЕВА**
**тайёрлаган.**

# КОВУШИМ

НИМТАБАССУМ

***Аввалги бошлиққа кўпдан бери ёрдамчи бўлиб келган Мўминтой корхонага янгитдан тайинланган директорни анъанавий тавозе билан қарши олди.***

Тошқул Тешаевич Мўминтойнинг саломига мулойимгина алик олиб, унга бош-оёқ разм солиб чиқди. Мўминтой эса гапни нимадан бошлашни билмай, ерга мутелик билан термулиб турарди. Шу пайт беихтиёр унинг кўзлари янги раҳбарнинг оёқ кийимига қадалди. Йўқ, бинойидек туфли! Фақат... хўжайин эрталаб шошилиб чиқибдилар шекилли, пойафзалларини пойма-пой кийиб олибдилар.

Мўминтой ғалати ҳолатга тушиб қолди: айтса, синалмаган раҳбар, ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Айтмаслик ҳам қандайдир... ноқулай.

Ёрдамчининг талмовсираб туриши Тошқул Тешаевични сергак торттирди.

-Ҳа, тинчликми, укам, нимадир демоқчига ўхшайсиз?

-А, ҳа йўғ-э, эрталаб туфлимни мойламай чиқибман. Шунга сизнинг олдингизда...

-Ҳечқиси йўқ, Тошқул Тешаевич Мўминтойнинг одмигина туфлисига кўз қирини ташлади, - ие, мойламаганингиз майли, тескари кийиб олибсиз-ку, укам!

Мўминтой ярқ этиб ўзининг оёқ кийимига қаради. Тўғри кийилган. Нима дейишни билолмай қолди. "Ўзингизники тескари" десинми. Янги бошлиққа-я? Ё синаб кўрмоқчими?

-Йўғ-а, - каловланди Мўминтой, - мен... мен тескари кийибманми?

-Ие, унда мен эканман-да?

"Ай Мўминтой, қопқонга тушдинг, қопқонга! Бир оғиз гапдан қолсанг сигиринг қисир қолармиди? Бир нимани биладики, бошлиқ бўлиб келибди-да!"

-Вой, эсгинам қурсин-а, - дея туйқусдан жонланди Мўминтой, -узр, Тошқул Тешаевич! Эрталаб шошиб...

-Майли, бўп туради, дарров алмаштириб олинг, - янги директор шундай дея ҳужрасига калит солди. - Ўн беш дақиқадан кейин ҳамма ходимларни менинг хонамга тўпланг. Бир танишиб олайлик-чи?

Мўминтой бошлиқ ичкарига киргани ҳамон дарров "катта" айтгандек оёқ кийимини "ўнг" кийиб олди.

Кўп ўтмай корхона ходимлари бирма-бир шапир-шупур қадам босганча янги бошлиқ қабулига кириб келишди. Чамаси Мўминтой орқали бошқалар ҳам "янгилик"дан хабар топган шекилли, ҳамманинг оёқ кийими пойма-пой кийилганди. Тошқул Тешаевич ходимларининг аввал оёқларини кўздан кечирди ва бирдан юзига табассум югурди:

-Хуш келибсизлар, азизлар. Қани, марҳамат, ўтиринглар.

Янги раҳбар анчайин тушунадиган одамга ўхшайди. Фақат пойафзал масаласида!

-Сиз билан тил топишиб кетадиганга ўхшаймиз, - дея мамнун илжайди янги раҳбар янги жамоасига қарата.

Мажлисда анчагина "ўтириб" қолган корхонани оёққа турғазиш учун қилинадиган ишлар муҳокама қилинди. Йиғилиш яримлаб қолганда, эшик очилиб омбор мудири Мирсоат кўринди.

-Ассалому алайкум. Узр, бироз кечикишимга тўғри келди.

Тошқул Тешаевич гапидан тўхтаб, эшик олдидаги кишига синовчан тикилди. Аввал бир қоши, кейин иккинчи қоши чимирилди:

-Бу қанақаси, ҳар ким хоҳлаган пайти ишга келса. Йўқ, бу нарсага энди чек қўйилади. Энди бунинг акси бўлади. И-и... ҳали туфлигингиз ҳам тескари кийилганми?

Мирсоат ака "йўғ-э" дегандек оёғига қаради.

-Қўйинг-э, ёшулли, эллик йилдан бери бирор марта калишниям пойма-пой кийган эмасман.

Бошлиқ қовоқларини уюб ўтирганларга бир-бир қараб чиқди.

-Мирсоат ака, - дарров гап қўшди Мўминтой, - олдин уёқ-буёққа яхшилаб қаранг, кейин гапиринг. Тошқул Тешаевич тескари дедиларми, тескари.

Мирсоат ака бошлиқ қабулидан бўшаган тўрвадай шалвираб чиқди.

Шу-шу жамоа аъзолари қисқа фурсатда янгича тартиб-қоидаларга ҳам кўникиб қолишди. Тўғри, барибир кўнгилсизликлар ҳам юз берганини ҳисобга олмаганда.

Хуллас, ҳаммаси бир маромда кетаётганди. Тошқул Тешаевичнинг ишлари ростдан ҳам чаппасига кетдими, ишқилиб "юқоридагилар" дарров "ковушини ўнглаб" қўйишди.

Аттанг, ҳамкасабалар пойафзални пойма-пой кийишга аранг ўрганишувди-я.

**Иқбол ҲУМОЮН**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: А.АЛИҚУЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-561, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz